

Р.Шарипов,
ТДШУ “Таржимашунослик ва халқаро журналистика”
кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

Ш.Ҳасанова,
ТДШУ “Таржимашуносликва халқаро журналистика”
кафедраси ўқитувчisi

ЖАДИДЧИЛИК АДАБИЁТИ ТАДҚИҚИГА БИР НАЗАР

Аннотация. Ушбу мақола билан жадидчиликнинг уммон сингари кенг ва чуқур ҳодиса эканлиги янада ойдинлаштирилди ҳамда бу сингари ишларни номзодлик ва докторлик диссертациялари шаклида ҳам ўрганиш зарурати туғилди. Масаланинг бу томони шу билан диққатга сазоворки, одатда номзодлик ва докторлик диссертациялари устида ёш олимлар иш олиб борганлари ва олиб бораётганлари учун, биринчидан, масалага ёшларга хос янги кўз ва янги тафаккур билан қарашиб имкони туғилса, иккинчидан, улар жадидчиликнинг истиқболли мавзулари устида кейинчалик ҳам тадқиқот ишларини олиб боришлари мумкин. Шунинг учун ҳам жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиёти муаммоларини диссертация шаклида ўрганиш ишига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Калит сўз: Туркистон, маърифатпарварлик ғояси, Мулла Икром, жадидлар, жадид адабиёти, театр.

Аннотация. В этой статье также разъясняется, что джадидизм - такое же широкое и глубокое явление, как Океан, и что существует необходимость изучения таких работ в форме докторских и докторских диссертаций. Этот аспект проблемы примечателен тем, что, поскольку молодые ученые обычно работают над своими кандидатскими и докторскими диссертациями, во-первых, можно взглянуть на проблему с новой точки зрения и нового мышления, а во-вторых, они продолжат исследования перспективных вопросы джадидизма. они могут нести. Поэтому целесообразно уделить особое внимание изучению проблем джадидского движения и джадидской литературы в форме диссертации.

Ключевые слова: Туркестан, идея просвещения, мулла Икрам, джадиды, джадидская литература, театр.

Annotation. This article further clarifies that Jadidism is as broad and profound a phenomenon as the ocean, and that there is a need to study such works in the form of PhD and doctoral dissertations. This aspect of the issue is noteworthy because, as young scholars usually work on their PhD and doctoral dissertations, firstly, it is possible to look at the issue with a new perspective and new thinking, and secondly, they will continue to conduct research on promising issues of Jadidism. they can carry. Therefore, it is expedient to pay special attention to the study of the problems of the Jadid movement and Jadid literature in the form of a dissertation.

Keywords: Turkestan, the idea of enlightenment, Mulla Ikram, Jadids, Jadid literature, theater.

Жадидчилик ҳаракати ва адабиётининг туғилиши ва шаклланиши тарихи, шунингдек, бу ҳаракат ва адабиётнинг бугунги кун учун аҳамиятли томонлари ўтган асрнинг 80-йиллари охиридан холисона ўрганила бошлади. Ўзбекистон мустақил давлат мақомига эришгандан сўнг бу жараён изчил тус олди ҳамда жадидчиликни ўрганиш адабиётшунослик ва тарихшунослик фанларининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Айтиш мумкинки, академик И.Мўминовнинг «Х1Х аср охири – XX аср бошларида Ўзбекистонда ҳукмон мафкуранинг ҳарактери ҳақида»¹ деган тадқиқоти ушбу жараённинг бошланишига муҳим туртки берди. Натижада Р.Абдуллаев, А.Алиев, Д.Алимова, С.Ахмедов, Ҳ.Болтабоев, У.Долимов, Б.Дўстқораев, А.Жалолов, Б.Каримов, Н.Каримов, Э.Каримов, П.Мирзаҳмедова ва Д.Рашидова, Ш.Турдиев, И.Тўлаков, Ш.Ризаев, Р.Шамсутдинов, О.Шарафиддинов, С.Холбоев, Б.Қосимов, С.Қосимов, Д.Қурунов, И.Ғаниев ва бошқа муаллифларнинг қатор монография, рисола ва мақолалари майдонга келди².

Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошланган бу иш, бизнингча, яхши натижалар бермоқда⁶. Аммо ҳаволада қайд этилган номзодлик ва докторлик диссертациялар адабиётшунослик фанининг муҳим масалаларига бағишлиганига қарамай, улар таҳминан бир қолипдаги ишлардан иборат бўлиб қолаётганини ҳам айтмаслик мумкин эмас.

¹ Қаранг: Мўминов И. Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихидан. – Тошкент, 1960. – Б. 245-270.

² Каримов Э. Развитие реализма в узбекской литературе. – Т., 1975; Қосимов Б. Излай-излай топганим. – Т., 1983; Жалолов А. Инқилобий давр ўзбек адабиёти ва Шавкат ижоди. – Т., 1988; Қосимов С. Беҳбудий ва жадидчилик. – Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1990, 19 янв.; Мирзаҳмедова П.М., Рашидова Д.А. К изучению джадидского движения. – Общественные науки в Узбекистане, 1990, № 7;

Каримов Н. Жадидчилик нима? – Санъат, 1990, 12-сон; Турдиев Ш. «Ҳинд ихтиолчилари» фожеаси ҳақида. – Шарқ юлдузи, 1990, 1-сон; Болтабоев Ҳ. Номаълум Фитрат. – Ёшлиқ, 1990, 4-сон; Шарафиддинов О. Чўлпон. – Т., 1991; Каримов Н. Чўлпон. – Т., 1991; Абдуллаев Р. Миллий-сиёсий гоялар тарихидан. – Инсон ва сиёсат, 1991, 9-сон; Шамсутдинов Р. Жадидчилик: ҳақиқат ва уйдирма. - Мулоқот, 1991, 11-сон; Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. – Т., 1994; Қосимов Б. Маслакдошлар. – Т., 1994; Чўлпоннинг бадиий олами. – Т., 1994; Ғаниев И. Фитратнинг трагедия яратиш маҳорати. – Т., 1994; Шу муаллиф. Фитрат: эътиқод, ижод. – Т., 1994; Шу муаллиф. Фитратшунослик. – Бухоро, 1995; Қосимов С. Маърифатпарварлик шеърияти. - Гулистон, 1995, 4-сон; Қурунов Д. Руҳий дунё тадқики. Т., 1995; Алимова Д. Исторического мировоззрение джадидов и их проекция будущего Туркестана. – Туркистан мустақиллиги ва бирлиги учун кураш сахифаларидан. – Т., 1996. - Б. 8-20; Мамажонов С. Бизнинг Чўлпон. Т., 1997; Тўлаков И. Чўлпон маҳорати. Андижон, 1997; Рўзимуҳаммад Б. Чўлпон – тонг юлдузи. Т., 1997; Қурунов Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. Т., 1997; Алимова Д., Рашидова Д., Маҳмудходжа Беҳбудий и его исторические воззрения. Т., 1998; Қурунов Д. Жадидчилик ва янги ўзбек адабиётининг шаклланиши. Андижон, 1999 ва бошқалар.

⁶ Қаранг: Ғаниев И. Абдурауф Фитратнинг тарихий фожеа яратиш маҳорати («Абулфайзхон» трагедияси асосида). Номз. дисс. Т., 1992; Авазов Н. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ижодий мероси (манбалар). Номз. дисс.. Т., 1995; Болтабоев Ҳ. XX аср ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси. Докт. дисс. Т., 1996; Саидов Ҳ.О. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти. Номз. дисс. Т., 1998; Раҳим Гулишан Муҳиддин қизи. Абдурауф Фитрат ва жадид адабиёти. Номз. дисс. Т., 1998; Ғаниев И. Фитрат драмалари поэтикаси. Докт. дисс. Т., 1998; Дөвурбоева Н.А. Фитрат драмаларида миллий озодлик ғоясининг талқини. Номз. дисс. Т., 1999; Қозаков Т.К. Общественно-политическое положение в Ферганской долине и джадидское движение в начале XX века. Канд. дисс. Т.. 2001; Вахидова К.А. Исҳакхан Джунайдуллаходжа Ибрат и его научно-историческое наследие. Канд. дисс. Т., 2002; Эргашева М.З. Абдурауф Фитратнинг сиёсий ва хуқукий қарашлари. Номз. дисс. Т. 2002 ва бошқалар.

Шу нарса эътиборга сазоворки, жадидчилик асосан Ўрта Осиёда XX аср бошларида пайдо бўлган ижтимоий-маърифий ҳаракат бўлишига қарамай, бу масалага нафақат Осиё, балки Европадаги хорижий мамлакатларда катта қизиқиш уйғонган. Улар Ўзбекистондаги жадидчилик ҳаракатига қизиқибина қолмай, мамлакатимизда ўтказилаётган шу йўналишдаги тадбирларни моддий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқдалар. 1998 йил 9 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бўлиб ўтган «Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар» мавзуидаги давра суҳбатининг ташкил этилишида Конрад Аденauer жамғармаси, Гёте институти ва Журналистларни қайта тайёрлаш жамоатчилик маркази фаол иштирок этди. Давра суҳбати материаллари юқоридаги ном остида ўша йили Тошкентда китоб шаклида нашр этилди. Ушбу китобдан ўрин олган мақолалар орасида тарих фанлари номзоди Қаҳрамон Ражабовнинг «Жадидлар – истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари» ва тарих фанлари номзоди Равшан Аблуллаевнинг «1917-1918 годы: первые шаги на пути к государственному суверенитету» мақолалари ҳам бўлиб, улар бизнинг мавзуумизга бир мунча яқин. Жумладан, Қ.Ражабов Ўзбекистондаги истиқлолчилик ҳаракатига раҳбарлик қилган жадидлар ҳақида Мустафо Чўқай ўғлининг «Истиқлол жаллодлари», Заки Валидийнинг «Бўлингани бўри ер» китоблари, Шаҳобиддин Яссавийнинг «Туркистон аччиқ ҳақиқатлари» (Истанбул, 1984), М.Х.Эрктурк ва Мунаввар қорининг «Турон тарихи» журналида эълон қилинган мақолаларига суюнган ҳолда баъзи бир маълумотларни беради. Шунингдек, Заки Валидийнинг тилга олинган китобидаги «Эрк» партиясининг 1921 йилда ишлаб чиқилган 19 бандлик дастурини ҳам келтиради. Р.Абдуллаев мақоласида жадидларнинг 1917-1918 йилларда Туркистон Мухторият ҳукуматини барпо этиш йўлида олиб борган ҳаракатлари кузатилади ва «Шўрои ислом» ташкилотининг фаолияти ёритилади. Аммо бу иккала мақолада ҳам жадидларнинг мустақил ўзбек давлатини барпо этиш билан боғлиқ сиёсий ва хуқукий қарашлари четлаб ўтилади.

Мазкур давра суҳбатидан кейин 1999 йили Давлат ва жамият қурилиши академиясида республика тарихчилари ва хорижий олимлар иштироқида «Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш» мавзууда илмий анжуман ўтказилди. Мазкур илмий анжуман материаллари ўша йили «Университет» нашриётида юқорида зикр этилган ном остида китоб шаклида нашр этилди. Тўпламда эълон қилинган мақолалар орасида тарих фанлари доктори Ҳамид Зиёевнинг «Жадидлар ҳаракатининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий замини», тарих фанлари доктори, проф. Дијором Алимованинг «Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти ва жадидлар тафаккури» ҳамда Е.А.Прилуцкийнинг «Запад и Восток в философских и исторических концепциях джадидов» («Фарб ва Шарқ жадидларнинг фалсафий ва тарихий концепцияларида») мақоласи, айниқса, эътиборга сазовордир.

Проф. Д.Алимова зикр этилган мақоласида ўзига-ўзи: «Жадидлар Туркистоннинг сиёсий ҳолатини қандай баҳолаганлар?» деб савол беради ва бу саволга жавобан жадидлар етакчиси Беҳбудийнинг сиёсий қарашларига тўхталаркан, жумладан, бундай фикрларни ўртага ташлайди: «...Беҳбудий бошқа кўплаб жадидлар каби қон тўкишларсиз кураш тарафдори бўлиб, ҳар қандай кўринишлардаги инқилобларга қарши эди. У Дума ишини мунтазам равишда дикқат билан кузатиб борган ва парламент кураши орқали кўп нарсаларга эришиш мумкин, деб ҳисоблаган. У Россия федератив тузумини ва унда Туркистоннинг ўрнини қандай тасаввур этган? Унинг фикрича, ҳар бир шаҳар ва уезддан бир нечтадан вакил сайлаш керак ва Тошкентда Туркистон учун яроқли амалий натижа берадиган солиқ қонунлари ва фармонлар чиқара оладиган марказ ва мажлис (менинг фикримча, парламент кўзда тутиляпти – Д.А.) ташкил этиш керак. Бу мажлис Россия ҳукумати ва мусулмонлар ўртасида воситачи бўлади. Бу Туркистоннинг фаровонлигига хизмат қилувчи Туркистон учун маъмурларни мустаҳкамлайди.

Беҳбудийнинг фикрича, Россия демократик давлати доирасида муҳторият сифатида шаклланиш – ички қарама-қаршиликлар ва келишмовчиликларни бартараф этишнинг бош шартидир»⁷.

Д.Алимованинг бу фикри М.Беҳбудийнинг «Ҳақ олинур, берилмас» (1917) мақоласи асосида айтилган. М.Беҳбудийнинг, умуман, жадидларнинг мустақилликка эришиш учун, аввало, ички зиддиятлар ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш лозим, деган қарашлари асоссиз бўлмаган. Ҳам хонлик тузуми, ҳам мустамлакачилик даврларида халқнинг умумий ижтимоий-маданий савияси пасайиб кетган, бу ҳол шу халқнинг бир кисми бўлган руҳонийлар, амалдорлар, зиёлиларнинг ўзаро муносабатидаги зиддиятларда, айниқса, кўзга ташланар эди. Шунинг учун ҳам жадидлар Россия таркибида муҳторият давлатини тузиш ва бу давлатни сиёсий жиҳатдан идора этиш учун марказ ёки мажлис (Д.Алимова тўғри ифодалаганидек, парламент)ни ташкил этишни, иқтисодий жиҳатдан таъминлаш учун солиқ қонунлари ва фармонларини ишлаб чиқиши зарур, деб ҳисоблаганлар. Д.Алимова мақоласидаги жадидларнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашларига оид ана шу масала талқини эътиборлидир.

Мазкур тўпламдан ўрин олган бошқа мақолаларда, шу жумладан, Е.А.Прилуцкийнинг мақоласида бизни қизиқтирган масала бўйича бирор аниқтайин фикрни учратмаймиз.

1999 йил 16-18 сентябрь кунлари Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тарих институти ҳамда республика Фан ва техника қўмитаси ташаббуси билан «Марказий Осиё XX аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, муҳториятчилик, истиқлолчилик) мавзууда халқаро конференция ўтказилган. Конференция материаллари асосида 2001 йили нашр этилган «Марказий Осиё

⁷ Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Даврий тўплам. № 1. – Тошкент: Университет, 1999. – Б. 47-48.

ХХ аср бошида...» китобидан ўрин олган тадқиқотлар орасида академик Бахтиёр Назаровнинг «Туркистон жадидларининг француз маърифатпарварлари билан интеллектуал алоқалари», америкалик олим Адип Холиднинг «Идея прогресса в философской мысли джадидов: новое направление во взгляде на мир» («Жадидларнинг фалсафий тафаккурида тараққиёт ғояси: дунёга қарашда янги йўналиш»), франциялик тадқиқотчи Шанталь Лемарсье Келькеженинг «Роль мусульманской прессы в движении джадидов в Средней Азии в начале XX века» ("ХХ аср бошларида Ўрта Осиёдаги жадидлар ҳаракатида мусулмон матбуотининг роли"), таникли немис шарқшунос олимаси Ингеборг Балдауфнинг «Джадидизм в Центральной Азии в плане реформизма и модернизма в мусульманском мире» («Марказий Осиёдаги жадидизм мусулмон оламидаги ислоҳотчилик ва модернизм кўзгусида») ва юридик фанлари доктори Жўрабой Тошқуловнинг «Турк адам марказият фирмаси» маромномасида миллий давлатчилик ва ҳуқук масалалари» деган мақолалар ўзининг илмий мулоҳазалари ва хуласалари билан эътиборни тортади. Чунончи, академик Б.Назаров Туркистон жадидлари билан француз маърифатпарварлари ўртасидаги муштараклик ҳолларини кузатар экан, бундай ёзади:

«Беҳбудийнинг «Қонуни Оврупо» мақоласи ҳамда Фитратнинг «Раҳбари нажот» («Озодлик йўриқномаси») номли рисоласи кенг китобхонлар оммасига маълум бўлмаса-да, жадидчилик билан шуғулланувчи мутахассислар яхши биладилар...».

Юқорида тилга олинган мақоласида Беҳбудий жамият, шахс, қонунчилик, инсон ҳуқуqlари муаммолари атрофида теран фикрлар юритганини қўрамиз. Лекин гап ҳозир бунда эмас. Гап Беҳбудийнинг Европадаги тараққий этган мамлакатларнинг, айниқса, Франциядаги ҳуқук ва қонунчилик масалаларини нечоғлик чуқур ўргангани ва билганида. Агар сиз бу мақолани синчилаб қарасангиз ва унинг ёнига 1789 йил 26 августда Франциядаги Таъсис мажлисида қабул қилинган «Инсон ва фуқаро ҳуқуqlари декларацияси»ни қўйиб қиёс қилсангиз, Беҳбудий бу хужжатни анчагина чуқур ўрганганига ишонч ҳосил қиласиз»⁸.

Ушбу сатрлар муаллифи М.Беҳбудийнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари билан француз маърифатпарварларининг фикрлари ўртасидаги муштаракликни мисоллар билан очиб бермаган бўлса-да, мазкур масалани қўйганлиги ва уни маълум даражада ёритганлигининг ўзи муайян аҳамиятга эга.

Жадидларнинг ҳуқуқий қарашлари М.Беҳбудий сингари миллий уйғониш даври намояндадарининг мақолалари билан бирга улар иштироқида тузилган турли сиёсий-ижтимоий йўналишдаги хужжатларда ҳам ўз аксини топган. Шу маънода Турк адам марказият фирмасининг маромномаси жадидларнинг 1917-1918 йиллардаги ҳуқуқий қарашлари хусусида аниқ тасаввур ҳосил қилишимизга ёрдам беради. Жўрабой Тошқуловнинг мазкур тўпламдан ўрин

⁸ Марказий Осиё XX аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, таракқиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик). Халқаро конференция материаллари. - Т., 2001. -Б.23.

олган мақоласи эса худди шу масалага бағишенгандын. Мақола муаллифи маромномадаги Туркистан Федерацияси давлат тизимидағи идоралар, суд маҳкамалари, шунингдек, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари ва бошқа масалаларга оид бандларини шархлаб, шундай түғри холосага келген: «Турк адам марказият фирмаси» «маромнома»сида күтариленгеннен масалалар, илгари суралган фикрлар ва ғояларни мазмунан таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, биринчидан, Туркистан Федерацияси ўзининг хуқуқий маромига кўра тўла мустақил бўлмасдан, миллий ва маҳаллий мухторият мақомига эга бўлиб, Россия Федерациясининг субъектларидан бирини ташкил қилиши лозим эди. Иккинчидан, унинг давлат тизими ва хуқуқ тизими демократик тамойиллар, миллий хусусиятлар ва тарихий анъаналар, мамлакатнинг этник таркиби, жуғрофий шароити, ижтимоий ҳаётда диннинг туттаган ўрнини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши назарда тутилган эди. Учинчидан, «маромнома» муаллифларининг фикрича, унда күтариленгеннен масалаларни ҳал қилиш ва ғояларни амалга ошириш оқибат-натижада Туркистаннинг тўла мустақилликка эришиши учун замин тайёрлар эди⁹.

Мавзуумизга бевосита алоқадор илмий адабиёт орасида Жўрабой Тошқуловнинг юқорида тилга олинган мақоласидан ташқари, филология фанлари номзоди Бойбўта Дўстқораевнинг «Туркистаннинг усули идораси қандай бўлмоғи керак эди? Жадидларнинг давлат тузуми тўғрисидаги қарашлари»¹⁰ деган мақоласи масаланинг теран ўраганилганлиги ва жиддий мулоҳазаларга бойлиги билан катта аҳамиятга молик.

Жадидчилик тарихини ва жадидларнинг адабий ва ижтимоий меросини ўрганиш янги босқичининг ilk меваларидан бири сифатида филология фанлари доктори Бегали Қосимовнинг «Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик» (2002 йил) монографияси майдонга келган эди. Ушбу монографиянинг, айниқса, «Жадидчилик ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатчилик», «Ташкилий қурилишлар йўлида» ҳамда «Жадидлар ва социализм» бобларида жадидларнинг сиёсий-ижтимоий фаолиятларига оид қимматли маълумотлар берилган. Умуман, жадидчилик тарихи ва масалаларини ўрганишда проф. Б. Қосимовнинг хизматлари каттадир.

Бизнингча, М. Эргашева «Абдурауф Фитратнинг сиёсий ва хуқуқий қарашлари» мавзудаги номзодлик диссертациясини ҳам шу босқичининг «мева»ларидан бири сифатида баҳолаш тўғри бўлади. Диссертациянинг «Абдурауф Фитратнинг сиёсий таълимоти» ва «Абдурауф Фитратнинг хуқуқий қарашлари» деган иккинчи ҳамда учинчи бобларида мутафаккир адабнинг миллий мустақил демократик давлат ва ҳарбий қурилиш ҳақидаги қарашлари маҳсус текшириш обьекти бўлган. Шу билан бирга диссертацияда Бухоро амирлигидаги қозиларнинг хуқуқий мақоми ва фаолияти ҳақидаги фикрлари таҳлил этилган. Бундан ташқари, диссертация муаллифи Фитратнинг инсон хуқуqlари ва эркинликлари тўғрисидаги ғояларини ҳам маҳсус ўрганган.

⁹ Кўрсатилган тўплам. – Б. 101.

¹⁰ Қаранг: Жамият ва бошқарув (журнал), 1997, 2-3-сонлар.

Бугунги кунда жадид адабиётининг ўзига хос жиҳатларини, унинг ҳаёт ва адабиёт эстетикаси билан чамбарчас боғлиқ жиҳатларини атрофлича ўрганиш давом этмоқда. Бу кузатишлар, албатта, устоз олимлар тадқиқотларига, уларнинг илмий хуносаларига таянган ҳолда амалга оширилмоқда. Ёш ва истеъододли тадқиқотчилар жадидчилик ҳаракати намоёндаларининг ўша суронли ва мураккаб даврларда бугунги кунимиз таъмал тошини қўйишига қўшган хиссаларини ўрганишга ҳаракат қилишмоқда. Бу жараён илмий тафаккур майдонида салмоқли ўрин эгаллаганлиги сабабли унинг таҳлилини ўзимизнинг навбатдаги мақолаларимизда давом эттириш ниятидамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Мўминов И. Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихидан. – Тошкент, 1960. – Б. 245-270.
2. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Даврий тўплам. № 1. – Тошкент: Университет, 1999. – Б. 47-48.
3. Жамият ва бошқарув (журнал), 1997, 2-3-сонлар.
4. Зиёев Х. "Туркмистонда Россия тажовузи...", 362 б.
5. ЎзР МДА. З-фонд, 2-тавсиф, 30-иш, 19-варае.
6. Марказий Осиё XX аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик). Халқаро конференция материаллари. - Т., 2001. -Б.23.
7. Раҳим Гулшан Муҳиддин қизи. Абдурауф Фитрат ва жадид адабиёти. Номз. дисс. Т., 1998;
8. Фаниев И. Фитрат драмалари поэтикаси. Докт. дисс. Т., 1998;
9. Довурбоева Н.А. Фитрат драмаларида миллий озодлик һоясининг талқини. Номз. дисс. Т., 1999;
10. Козаков Т.К. Общественно-политическое положение в Ферганской долине и джадидское движение в начале XX века. Канд. дисс. Т.. 2001;
11. Вахидова К.А. Исхакхан Джунайдуллаходжа Ибрат и его научно-историческое наследие. Канд. дисс. Т., 2002;
12. Эргашева М.З. Абдурауф Фитратнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари. Номз. дисс. Т. 2002 ва бошқалар.
13. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Даврий тўплам. № 1. – Тошкент: Университет, 1999. – Б. 47-48.
14. Марказий Осиё XX аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик). Халқаро конференция материаллари. - Т., 2001. -Б.23.